



108

ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

йил „ 20 “ январь

№ 15-Қ

Зарафшон, Қорадарё ва Оқдарё дарёларининг қирғоқ бўйи минтиқасида муҳофаза ишларини олиб бориш учун вилоят сув хўжалиги бирлашмасига ер ажратиш туғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер туғрисида"ги қонунининг 14 ва 13 моддаларига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 мартдаги N 11/86-47 рақамли далолатномасига асосланиб
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Зарафшон, Қорадарё ва Оқдарё дарёларининг қирғоқ бўйи минтиқасида 50 метр масофа ичида муҳофаза ишларини олиб бориш учун вилоят сув хўжалиги бирлашмасига ер ажратиш туғрисидаги Булунгур, Гўлалкент, Жомбой, Иштихон, Каттақўргон, Нарпай, Пайариқ, Паст Дарғом ва Ургут туманлари ҳокимларининг қабул қилган қарорлари ҳамда мазкур қарорларда кўрсатилган Зарафшон дарёсининг қирғоқ атрофи учун 250,9 гектар, Қорадарё дарёсининг қирғоқ атрофи учун 909,4 гектар ва Оқдарё дарёсининг қирғоқ атрофи учун 623,3 гектар ер майдони туғрисида бўйича асосий кўрсаткичлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Зарафшон, Қорадарё ва Оқдарё дарёларининг қирғоқ бўйи минтиқаси учун мўлжалланган 1802,6 гектар, шундан: ҳайдаладиган сувли ер 250,9 гектар, боғзор 3,9 гектар, узумзор 0,4 гектар, тутзор 3,2 гектар, думонзор 42,6 гектар, утлоқлар 903,8 гектар, бутазор 106,4 гектар, томорқа ерлари 5,8 гектар, мелиоратив ҳолати ёмон ерлар 4,7 гектар ҳамда 570,9 гектардан иборат бўлган бошқа ерлар Самарқанд вилоят сув хўжалиги бирлашмасига табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун фойдаланишга топширилсин.

3. Вилоят ҳокимлигининг ер муносабатларини тартибга солиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш бошқармаси (Р. Фуломов) га хужаликлар бўйича бўладиган ўзгаришларни ер ҳисоботига киритиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимлиги агроиндустриал комплекси масалалари бўйича мутахассислар гуруҳининг раҳбари Ш. Шамсиевга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



A. Mardiyev

А. Мардиев